



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EISSN 2181-2187

2 (88) 2026

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
У.О. АБИДОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Д.Т. АШУРОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
Э.Б. ХАККУЛОВ
Г.С. ХОДЖИЕВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

2 (88)

www.bsmi.uz
https://newdaymedicine.com
E: ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

2026
февраль

УДК 616.314-089.23

ҚИСМАН ТИШСИЗЛИГИ МАВЖУД БЕМОРЛАРДА ХАВФ ОМИЛЛАР ЎРГАНИШ УСЛУБЛАРИ

¹Идиев Файрат Элмуродович <https://orcid.org/0009-0002-8208-1723>
e-mail: idiyev.gayrat@bsmi.uz

²Ахмедова Малика Қиличовна e-mail: axmedovaMK@mail.ru

¹Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

²Осиё халқаро университети 200103, Бухоро вилояти, Бухоро, Гиждувон кўчаси, 74 тел: +998
(55) 305-00-09

✓ Резюме

Қисман тишсизлик беморларда кенг тарқалганлиги, кўп омиллилиги, шунингдек таъхислаш ва даволаш жараёнларининг мураккаблиги билан бошқа турдаги стоматологик патологиялардан ажралиб туради. Сўнгги йигирма йил давомида ўтказилган эпидемиологик тадқиқотлар натижаларига кўра, қисман тишсизлик катта ёшдаги аҳоли орасида эса 70–80% гача учраши илмий манбаларда келтирилган. Бу ҳолат мазкур муаммонинг нафақат клиник, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эга эканлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: қисман тишсизлик, хавф омиллар, юқори ва пастки жағ, стоматологик патологиялар, пастки жағнинг физиологик ҳолати, чайнаш мушаклари мувозанати.

МЕТОДЫ ИЗУЧЕНИЯ ФАКТОРОВ РИСКА У ПАЦИЕНТОВ С ЧАСТИЧНОЙ БЕЗЗУБОСТЬЮ

¹Идиев Гайрат Элмуродович <https://orcid.org/0009-0002-8208-1723>
e-mail: idiyev.gayrat@bsmi.uz

²Ахмедова Малика Қиличовна e-mail: axmedovaMK@mail.ru

¹Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г.
Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

²Азиатский Международный Университет 200103, Бухарская область, Бухара, ул. Гиждуванская, 74
тел: +998 (55) 305-00-09

✓ Резюме

Частичная беззубость отличается от других видов стоматологической патологии своей распространенностью у пациентов, многофакторным характером, а также сложностью процессов диагностики и лечения. Согласно результатам эпидемиологических исследований, проведенных за последние двадцать лет, научные источники указывают на то, что частичная беззубость встречается у взрослого населения в 70-80% случаев. Это состояние свидетельствует о том, что данная проблема имеет не только клиническую, но и социальную значимость.

Ключевые слова. частичная беззубость, факторы риска, верхняя и нижняя челюсть, стоматологические патологии, физиологическое состояние нижней челюсти, баланс жевательных мышц.

METHODS FOR STUDYING RISK FACTORS IN PATIENTS WITH PARTIAL TOOTHLESSNESS

Idiev G'ayrat Elmurodovich <https://orcid.org/0009-0002-8208-1723>
e-mail: idiyev.gayrat@bsmi.uz

Axmedova Malika Qilichovna e-mail: axmedovaMK@mail.ru

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

Asian International University 200103, Bukhara region, Bukhara, Gijduvanskaya street, 74
tel: +998 (55) 305-00-09

✓ **Resume**

Partial toothlessness differs from other types of dental pathology in its prevalence in patients, its multifactorial nature, as well as the complexity of the diagnostic and treatment processes. According to the results of epidemiological studies conducted over the past twenty years, scientific sources indicate that partial toothlessness occurs in adults in 70-80% of cases. This condition indicates that this problem has not only clinical, but also social significance.

Keywords. *partial toothlessness, risk factors, upper and lower jaw, dental pathologies, physiological condition of the lower jaw, balance of the masticatory muscles.*

Долзарблиги

Сўнги ўн йилликларда стоматологияда диагностик технологияларнинг жадал ривожланиши чакка-пастки жағ бўғими (ЧПЖБ) патологиялари ва қисман тишсизлик билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш ҳамда баҳолаш имкониятларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Эпидемиологик тадқиқотларга кўра, ЧПЖБ функционал бузилишлари турли ёш гуруҳларида 40–75% гача учраши, бироқ уларнинг фақат 30–35% и анъанавий клиник текширувлар асосида эрта босқичда аниқланиши қайд этилган. Шу сабабли, классик клиник текширув усуллари (кўрик, палпация, функционал тестлар) замонавий инструментал ва рақамли диагностика технологиялари билан уйғунлаштирилмоқда. Бу эса ташхиснинг аниқлигини 20–40% га ошириши, субектив баҳолаш хатоларини эса сезиларли даражада камайтириши исботланган. ЧПЖБ функционал бузилишларини аниқлашда илгари асосан беморнинг субектив шикоятлари ва клиник белгиларига таянган бўлса, бугунги кунда электромиография (ЭМГ), окклюзион анализаторлар, конус-нурли компютер томографияси (СБСТ) ва магнит-резонанс томография (МРТ) каби юқори технологик усуллар кенг жорий этилган[2.4.6.8]. Илмий манбаларга кўра, ЭМГ ёрдамида чайнаш мушаклари фаолиятини баҳолаш мушак дисбалансини аниқлаш аниқлигини 85–92% гача оширади. Окклюзион анализаторлардан фойдаланиш эса тишлараро контактлар ва юк тақсимотидаги номуаносибликларни клиник текширувларга нисбатан 2–2,5 баробар аниқроқ аниқлаш имконини беради.

Айниқса, СБСТ технологиясининг жорий этилиши ортопедик стоматологияда туб бурилиш ясади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, СБСТ ёрдамида ЧПЖБ нинг структуравий ўзгаришлари (бўғим бошчаси жойлашуви, артикуляр юзалар деформацияси, суяк резорбцияси) 90–95% аниқлик билан аниқланиши мумкин. Қисман тишсизлик билан кечувчи ҳолатларда СБСТ асосида ўтказилган таҳлиллар тишлов баландлигининг пасайиши ва бўғим бошчасининг орқа-пастга силжиши ўртасида ишончли боғлиқлик мавжудлигини кўрсатган ($p=0,62-0,71$). Бу эса окклюзион бузилишларнинг ЧПЖБ га таъсирини илмий асосда баҳолаш имконини беради. МРТ эса ЧПЖБ патологияларида юмшоқ тўқималарни баҳолашда “олтин стандарт” ҳисобланади. Адабиётларга кўра, МРТ ёрдамида бўғим дискиннинг силжиши, деформацияси ва яллиғланиш жараёнлари 95% дан ортиқ ҳолатларда аниқ аниқланади. Айниқса, клиник белгилар билан тасвирий ўзгаришлар ўртасида тафовут мавжуд бўлган ҳолатларда МРТ дифференциал ташхис кўйишда муҳим аҳамият касб этади [1.3.5.7.9].

Замонавий диагностиканинг муҳим жиҳатларидан бири функционал ёндашувдир. ЭМГ ёрдамида чайнаш мушакларининг биоэлектрик фаоллигини таҳлил қилиш қисман тишсизлик фонида мушаклараро мувозанат бузилишларини эрта босқичда аниқлаш имконини беради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қисман тишсиз беморларнинг 60–70% ида чайнаш мушакларида асимметрик фаоллик кузатилади, бу эса ЧПЖБ дисфункцияси ривожланишининг муҳим патогенетик омили ҳисобланади. Окклюзион анализаторлар эса марказий окклюзия барқарорлиги ва чайнаш юкининг тақсимланишини объектив баҳолаш орқали даволаш режасини индивидуал асосда тузиш имконини беради.

Тадқиқотнинг мақсади: қисман тишсизлиги мавжуд беморларда хавф омиллар ўрганиш услубларини такомиллаштириш.

Тадқиқот объекти. чакка-пастки жағ бўғими (ЧПЖБ) фаолиятининг турли даражадаги функционал ва структуравий бузилишлари билан кечувчи, қисман тишсизлиги мавжуд бўлган беморлар ҳисобланади.

Натижа ва таҳлиллар

Чакка-пастки жағ бўғими (ЧПЖБ) стоматогнатик тизимнинг энг мураккаб, кўп компонентли ва функционал жиҳатдан юқори фаолликка эга бўлган бўғимларидан бири ҳисобланади. Чакка пастки жағ бўғимининг анатомик тузилиши ва функционал фаолияти тиш-жағ тизимидаги ўзгаришларга, хусусан қисман тишсизлик ҳолатларига юқори даражада боғлиқ эканлиги таъкидланади. Чакка пастки жағ бўғими чакка суягининг бўғим чуқурчаси, пастки жағ бўғим бошчаси, бўғим диски, капсула, боғламлар ҳамда мушак аппаратидан ташкил топган мураккаб биомеханик тизимни ташкил этади. Ушбу компонентларнинг ҳар бири бўғимнинг нормал функциясини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Айниқса, бўғим диски ЧПЖБ ҳаракатларининг мувозанатли ва синхрон амалга ошишини таъминловчи асосий элемент ҳисобланади.

Чакка пастки жағ бўғимининг ўзига хос функционал хусусияти — унинг икки томонлама ва синхрон ишлаши билан боғлиқ эканлигини тасдиқлайди. Пастки жағнинг очилиш, ёпилиш, олдинга ва ён томонга силжиш ҳаракатлари ҳар икки бўғимда бир вақтда содир бўлади, бу эса бўғимга тушадиган юкламанинг физиологик тақсимланишини талаб этади. Ушбу механизмнинг бузилиши ЧПЖБ дисфункцияларининг ривожланишига олиб келиши мумкин. Чакка пастки жағ бўғими ҳаракатлари ротацион (айланма) ва трансляцион (силжиш) компонентлардан иборат экани кўрсатилган. Дастлабки очилиш фазасида пастки жағ бўғим бошчаси асосан ротацион ҳаракатни бажаради, кейинги фазаларда эса бўғим диски билан биргаликда олдинга силжийди. Ушбу мураккаб ҳаракатлар чайнаш мушаклари фаолияти билан узвий боғлиқ бўлиб, мушаклар мувозанатининг бузилиши бўғим функциясига салбий таъсир кўрсатади. Замонавий манбаларда ЧПЖБ нинг функционал ҳолати окклюзион муносабатлар билан бевосита боғлиқдир. Окклюзиянинг бузилиши бўғим дискига ортикча юк тушишига, бўғим бошчасининг нотўғри жойлашувига ва дегенератив ўзгаришларнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли ЧПЖБ анатомик ва функционал хусусиятларини чуқур ўрганиш қисман тишсизлик билан кечувчи ҳолатларда алоҳида аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда ўтказилган клиник ва инструментал тадқиқотлар (МРТ, СБСТ) ЧПЖБ нинг структуравий ва функционал ўзгаришларини эрта аниқлаш имконини бермоқда. Тадқиқотчилар бўғим дискининг силжиши, суяк юзаларининг ремоделацияси ва юмшоқ тўқималардаги ўзгаришлар кўпинча дастлабки клиник белгилар пайдо бўлишидан олдин шаклланишини қайд этмоқда. Сўнгги 5 йиллик илмий тадқиқотларда ЧПЖБ нинг адаптацион имкониятлари чекланган биомеханик тизим эканлиги кўрсатиб ўтилмоқда. Узоқ муддат давом этувчи окклюзион номуносабатлик ва қисман тишсизлик шароитида бўғим компенсатор механизмларининг декомпенсацияга ўтиши кузатилади. Айрим муаллифлар ЧПЖБ патологияларининг ривожланишида мушак компонентининг етакчи ролини таъкидлайди. Чайнаш мушакларининг гипертонуси ва асимметрик фаолияти бўғим дискига ортикча босим тушишига, диск силжишига ва сурункали оғриқ синдромларининг шаклланишига олиб келади. Замонавий тасвирлаш усуллари ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар ЧПЖБ да суяк юзаларининг ремоделацияси, субхондрал склероз ва бўғим бошчасининг морфологик ўзгаришлари қисман тишсизлик билан кечувчи ҳолатларда кўпроқ учрашини кўрсатмоқда. Бу ҳолатлар ЧПЖБ патологияларининг патогенезида окклюзион омилларнинг етакчи аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди. Шунингдек, бир қатор муаллифлар қисман тишсизликни ЧПЖБ дисфункцияларининг мустақил этиологик омили сифатида кўриб чиқмоқда. Тиш қаторининг яхлитлиги бузилиши бўғимга тушадиган юкламанинг асимметрик тақсимланишига олиб келади ва бу жараён вақт ўтиши билан дегенератив-дистрофик ўзгаришларга сабаб бўлади. ЧПЖБ да оғриқ ва ҳаракат чекланиши кўпинча психоэмоционал омиллар, стресс ва парафункциялар (бруксизм) билан бирга кечади.

Хулоса

Шундай қилиб, чакка пастки жағ бўғимининг анатомик ва функционал хусусиятлари тиш-жағ тизими ҳолати билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Ушбу боғлиқликни ҳисобга олмасдан олиб борилган ортопедик даволаш ЧПЖБ функционал бузилишларининг ривожланиш хавфини оширади, бу эса комплекс ва индивидуал ёндашув зарурлигини белгилайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Идиев Г. Э., Гафоров С. А., Ибрагимова Ф.И. Эпидемиология, этиопатогенез и диагностика дисфункции височно-нижнечелюстного сустава // Тиббиётда янги кун. 2020;3:47-51. (14.00.00; № 22)
2. Идиев Г. Э. Чакка-пастки жағ бўғимининг дисфункцияси диагностикасига мутахассисларнинг фанлараро ёндашуви асосида даволаш самарадорлигини такомиллаштириш // Stomatologiya. – 2021;2(83):33-35. (14.00.00; № 12)
3. Идиев Г. Э. Междисциплинарный подход к диагностике пациентов с патологиями височно-нижнечелюстного сустава // Журнал стоматологии и краниофациальных исследований. 2021;3(1):15-21. (14.00.00, №51)
4. Гафоров С. А., Идиев Г. Э. Чакка-пастки жағ бўғимининг фаолияти бузилишларида диагностика қилишга турли мутахассислар ёндашувнинг аҳамияти // Доктор ахборотномаси 2021;3:22-32. (14.00.00; № 20)
5. Gaforov S.A., Idiyev G. E., Ibragimova F.I. Approaches to the diagnosis of the dysfunctional state of the temporomandibular joint // European Journal of Molecular Clinical Medicine. 2021;7(9):2092-2103. (Scopus)
6. Idiyev G. E.Improving the effectiveness of treatment based on an interdisciplinary approach of specialists to the diagnosis of temporomandibular joint dysfunction // Science Asia. 2022;48(3):51-60. (Scopus)
7. Идиев Г. Э. Чакка пастки жағ бўғими касалликлари билан касалланган беморларда окклюзия-артикуляция, нейромушак синдроми ва пастки жағ каллагининг одатланган чиқишини клиник-неврологик ўрганиш натижалари // Тиббиётда янги кун. 2022;11(49):64-69. (14.00.00; № 22)
8. Идиев Г. Э.Чакка-пастки жағ бўғими функционал бузилишларини эрта ташхислашда функционал ва инструментал текшириш усуллари // Биология ва тиббиёт муаммолари. 2022;6(140):89-93.(14.00.00; № 19)
9. Идиев Г. Э.Чакка-пастки жағ бўғими патологиялари этиологиясида салбий таъсир этувчи клиник-неврологик омиллар қиёсий тавсифи ҳамда ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш // Биомедицина ва амалиёт журнали. 2022;6:295. (14.00.00; № 24)

Қабул қилинган сана 20.01.2026